

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САИПОВА ДУРДОНА САЛИДЖАНОВНА**

**СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА  
БУЙРАК РЕАБИЛИТАЦИЯСИ ДАВРИДА КАРДИО-РЕНО-  
ПУЛЬМОНАЛ КЎРСАТКИЧЛАРНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Саипова Дурдона Салиджановна**

Сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда  
буйрак реабилитацияси даврида кардио-рено-пульмонал  
кўрсаткичларни баҳолаш..... 3

**Саипова Дурдона Салиджановна**

Оценка кардио-рено-пульмональных параметров  
в процессе почечной реабилитации у больных  
с хронической болезнью почек ..... 25

**Saipova Durдона Salidjanovna**

Evaluation of cardio-reno-pulmonary parameters  
during renal rehabilitation in patients with chronic  
kidney disease..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 53

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САИПОВА ДУРДОНА САЛИДЖАНОВНА**

**СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА  
БУЙРАК РЕАБИЛИТАЦИЯСИ ДАВРИДА КАРДИО-РЕНО-  
ПУЛЬМОНАЛ КЎРСАТКИЧЛАРНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1329 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tna.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Эгамбердиева Дано Абдисаматовна  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** Рахимова Дилором Алимовна  
тиббиёт фанлари доктори

Собирова Гўзал Наимовна  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини  
ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 7 » Май соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 814 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил « 25 » декабр кун тарқатилди.  
(2021 йил « 25 » декабр даги 8 рақамли реестр баённомаси).



**А.Г. Гадаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**А.Л. Аляви**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда бугунги кунда юрак-қон томир касалликлари, инсулт, қандли диабет II типи, остеопорознинг хавф омиллари жисмоний фаолият ва когнитив функцияларининг пасайиши билан боғлиқ. Сўнги маълумотларга кўра, «...сурункали буйрак касаллиги (СБК) мавжуд бўлган беморларда уремик интоксикацияни ҳисобга олган ҳолда жисмоний фаолият ва юрак-қон томир касалликларининг эҳтимолий хавфи ўртасидаги боғлиқлар кенг ўрганилмоқда, лекин улар кам сонли ва натижалари бир-бирига зиддир...»<sup>1</sup>. Юқорида айтиб ўтилганидек, СБК билан оғриган беморларда жисмоний реабилитация комплексининг кардио-респиратор ва буйрак кўрсаткичларига таъсирини таҳлил қилишга қаратилган тадқиқотлар долзарб ҳисобланди.

Жаҳонда бир қатор олимлар томонидан СБК хавф омилларини камайтириш учун тавсия қилиниши мумкин бўлган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада беморларнинг психосоматик ҳолати ва жисмоний фаоллигини аниқлаш, натрий миқдорини камайтириш, спиртли ичимликларни истеъмол қилишни ва чекишни тўхтатиш, шунингдек СБКни даволашда жисмоний фаолликни қачон бошлаш ва қандай интенсивликда тавсия қилиш масалалари ҳозирги кунда тўлиқ ечимини топмаганлигини инобатга олиб, самарали буйрак реабилитацияси тартибини амалиётга татбиқ қилиш чора – тадбирларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида сурункали буйрак касаллигини тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалари белгиланган. Аҳоли орасида СБК ташхисоти ва даволаш усулларини такомиллаштириш, шунингдек, замонавий тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касаллик асоратлари натижасидаги юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан

<sup>1</sup> Elizabeth Anderson, J. Larry Durstine. Physical activity, exercise, and chronic diseases: A brief review, Sports Medicine and Health Science, Volume 1, Issue 1, 2019, Pages 3-10, ISSN 2666-3376, <https://doi.org/10.1016/j.smhs.2019.08.006>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони

такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармокология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** СБК жаҳон соғлиқни сақлаш тизими муаммоларидан бири бўлиб, тадқиқотчилар томонидан беморларда буйрак дисфункцияси авж олиб бориши билан меҳнатга лаёқатлилик камайиб бориши аниқланган (Greenwood S.A. et al., 2015). Олимларнинг тизимли тадқиқоти ва мета-таҳлилига кўра катта ёшдаги аҳоли орасида юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) олдини олиш учун тавсия этиладиган соғлом турмуш тарзи тавсиялари СБК юзага келишини секинлаштиришига ҳисса қўшиши аниқланган. (Howden E.J. et al., 2015)

Шу билан бирга, ҳозирга қадар СБК олдини олиш учун ҳеч қандай илмий асосланган турмуш тарзи тавсиялари йўқ (Джеймон Келли ва ҳаммуаллифлар, 2020). Бир қатор тадқиқотчилар томонидан СБК нинг ривожланишига парҳез ва жисмоний фаолиятни таъсири баҳоланган. (Gaiqin Pei. et al., 2019 ). Унга кўра, 1,221,018 катта ёшдагиларда турмуш тарзи ва СБК ривожланиш хавфи ўртасидаги муносабатлар таҳлил қилинганда 51 тадқиқотларнинг дастлабки текширувида СБК ташхиси қўйилмаган бўлиб, уларда буйрак коптокчалари филтрлаш тезлиги (КФТ) 1,73 м2 тана сатҳига <60 мл/дақиқани ташкил қилган.

Шунингдек, 176,625 шахслар иштирок этган ўттиз бир тадқиқотда овқатланиш хулқи СБК ривожланиш хавф омили бўлиб чиқди. СБК га жисмоний фаолият таъсири ўрганилганда 78 301 шахсларни жалб қилган 10 тадқиқотда жисмоний фаол бўлмаган ҳолатлар хавф омили эканлиги аниқланди. Хуан Хесус Сарреро (2020) маълумотларига кўра, бу соҳада тасодиқий интервенцион кузатувлар бўлмаса ҳам бу тадқиқот СБК нинг олдини олишда турмуш тарзининг аҳамиятини ёритиб берди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу тавсиялар буйрак касаллиги ривожланиш хавфи бўлган кишиларга, шунингдек, сурункали буйрак касаллигига чалинган беморларга асоратларни олдини олиш учун хизмат қилади.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда СБК ташхислаш ва даволаш жаҳон стандартлари бўйича амалга оширилмоқда. Бу борада Республикамиз олимлари Б.Т. Даминов, М.А. Сабиров, Д.А. Эгамбердиевалар томонидан касалликни эрта ташхислаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган бир қатор изланишлар олиб борилмоқда. Илмий адабиёт ва тадқиқот таҳлил натижасида ҳозирга кунда СБК нинг ривожланишида жисмоний реабилитация дастурининг ўрни мукамал ўрганилмаганлигини инобатга олиб, СБК мавжуд беморларда кардио-рено-пулмонал кўрсаткичларга таъсир кўрсатувчи жисмоний тарбия машқларини

прогностик қийматини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ўтказиш ҳозирги кун нефрологиянинг долзарб вазифаларидан биридир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 «Сурункали касалликларнинг замонавий ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўллари ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2019-2021 йй)

**Тадқиқотнинг мақсади** сурункали буйрак касаллиги мавжуд беморларда кардиоренал ва респиратор кўрсаткичларни жисмоний фаоллик динамикасида баҳолаш ва унинг асосида хавф омилларига қараб жисмоний реабилитация дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

шифохона ва амбулатория даволаш таркибига киритилган жисмоний фаолликни СБК нинг диализгача бўлган босқичидаги беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичларига ва клиник кечишига таъсирини баҳолаш;

жисмоний фаолликни дастлабки кўрсаткичларини баҳолаш ва кардиореспиратор зўриқиш синамаларига қараб СБК нинг диализгача бўлган босқичларидаги беморларда интервал юклама параметрларини аниқлаш;

СБК нинг С2-С3 босқичларида бўлган беморларда марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва 12 ҳафталик жисмоний фаоллик дастурининг чап қоринча миокардининг қайта тикланиш жараёнлари ва диастолик функциясига таъсирини баҳолаш;

СБК нинг С2-С3 босқичларида бўлган беморларда жисмоний машқларга чидамлилик кўрсаткичи бўлган максимал кислородга эҳтиёжи индексига жисмоний зўриқишнинг таъсирини ўрганиш;

СБК нинг С2-С3 босқичларида бўлган беморлар учун максимал кислород эҳтиёжи ва бошланғич нутритив ҳолати кўрсаткичларига қараб оптимал жисмоний фаолият тамойиллари билан жисмоний реабилитация дастурини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Республика терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази муассасасида текширилаётган ва даволанаётган СБК мавжуд бўлган 45 ёшдан 65 ёшгача бўлган 130 нафар эркак ва аёл беморлар олинган.

**Тадқиқот предмети** сифатида кардиореспиратор стресс синамаси, спирометрия, эхокардиография, 6 дақиқали юриш синамаси, SF-36 ҳаёт сифати сўровномаси, Спилберг-Ханин шахсий хавотир шкаласи, Ликерт заифлик шкаласи, DS-45 пархездан қониқиш сўровномаси маълумотлари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда бажаришда биокимёвий, ултратовуш ва эхокардиографик, функционал кардиореспиратор ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагича:

турли даражадаги аэробик жисмоний машқларнинг кардиореспиратор тизим ва жисмоний фаолият ҳолатига таъсирини қиёсий таҳлил қилиш асосида

сурункали буйрак касаллигининг диализгача босқичида бўлган беморлар учун ҳаёт сифатига таъсир қилувчи дозаланган жисмоний юкламалар асосланган;

сурункали буйрак касаллиги диализгача бўлган босқичларидаги беморларда ўртача ва паст даражадаги мунтазам аэробик машқлар хавфсизлиги ва уларни буйрак реабилитация дастури доирасида амалга ошириш асосланган;

12-ҳафта давомида ўтказилган машқлар динамикасида сурункали буйрак касаллиги диализгача босқичида бўлган беморларнинг уйқу артерияларининг дулекс сканерлаш кўрсаткичлари ва кардиореспиратор зўриқиш синамалари билан ва энг муҳим эхокардиографик кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликлар аниқланган;

сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда максимал кислород эҳтиёжи ва нутритив ҳолат кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда енгил ҳамда ўрта даражадаги аэроб жисмоний машқларнинг самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагича:

кардиореспиратор стресс синамасидан фойдаланиш буйрак реабилитация дастурининг бир қисми сифатида аэробик жисмоний тайёргарлик жараёнида ташхислаш ва даволаш мақсадлари учун СБК диализгача бўлган босқичидаги беморларни олиб боришнинг мунтазам амалиётининг бир қисми бўлиши керак;

СБК диализгача бўлган босқичларидаги беморларда кенг коморбид фон учраганлиги учун, муқобил жисмоний фаолият танлашда КФТ, кардиореспиратор кўрсаткичлар ва дастлабки нутритив ҳолатни ҳисобга олган ҳолда индивидуал амалга оширилиши лозим;

СБК диализгача бўлган босқичларидаги беморларда 12 ҳафталик жисмоний реабилитация дастури алгоритми ишлаб чиқилган ва тадбиқ этилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган замонавий усул ва ёндашувлар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, барча рақамли маълумотларга замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қиёсий таҳлил асосида СБК диализгача бўлган босқичидаги беморларда жисмоний фаолиятнинг кардиореспиратор кўрсаткичларга ижобий таъсири билан изоҳланади. Жисмоний фаолиятнинг хавфсизлиги ва ўрта ҳамда енгил интенсивликдаги мунтазам аэробик машғулотларни ўз ичига олган буйрак реабилитация дастури доирасида амалга ошириш имконияти билан изоҳланади. Бу кардиореспиратор зўриқиш синамаси жисмоний юкламани муқобил протоколини танлашда муҳим ҳисобланади ва СБК мавжуд беморларда кардиореспиратор кўрсаткичларни функционал адаптив имкониятларини акс эттириб бериши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий қиймати унинг натижалари кардиореспиратор кўрсаткичларни комплекс баҳолаш ва кардиореспиратор стресс синамасини



диагностика ва даволаш мақсадида комплекс баҳолаш билан СБК диализгача босқичларида буйракни реабилитация қилиш дастури доирасида паст ҳамда ўртача интенсивликдаги аэробик жисмоний тайёргарликни тайинлаш алгоритмини қўллаш билан изохланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурункали буйрак касаллиги диализгача бўлган босқичидаги беморларнинг буйрак реабилитация жараёнида кардиореспиратор ва буйрак кўрсаткичларини баҳолаш бўйича илмий тадқиқот натижаларига кўра:

сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда нутритив ҳолатни баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда нутритив ҳолатни баҳолаш усули” номли услубий тавсиянома тасдиқланган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8н-з/340-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда нутритив ҳолатни ташхислаш ва олдини олиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда жисмоний фаолиятни баҳолаш масалалари, ҳамда кардиореспиратор стресс синамасининг кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда СБК билан оғриган беморларда буйрак реабилитация усулларини намойиш этувчи “Сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда жисмоний фаолликни баҳолаш усули” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8н-з/340-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларнинг жисмоний фаоллигини аниқлашнинг замоний усуллари ёритилган ва шу асосида беморларга тавсия этиладиган жисмоний машқлар даражасини танлаш имконини берган;

сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда жисмоний машқлар дастурини беморларнинг дастлабки жисмоний фаоллигини ва нутритив ҳолатини ҳисобга олган ҳолда қўллаш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Марказий клиник шифохонаси ҳамда Тошкент вилояти Бўка тумани Марказий клиник шифохонаси фаолиятида амалиётга тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 декабрдаги 08-09/18185-сон маълумотномаси). Тадбиқ қилинган натижалар асосида сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда жисмоний реабилитация дастури алгоритми ишлаб чиқилган, бу беморларда максимал кислород истеъмоли ва нутритив ҳолат кўрсаткичларини коррекциялаш орқали жисмоний реабилитация дастурини бирга қўллаганда даволаш самарадорлигини 41% га ошириб, уларнинг диализдан олдинги даврини узайтириш ва ҳаёт сифатини яхшиланишига имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шулардан 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти, мақсад ҳамда вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, уларнинг республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш бўйича маълумотлар келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **биринчи боби**да адабиётлар ҳақида умумий маълумот берилган. Муаммонинг бугунги ҳолатига оид маҳаллий ва хорижий адабиётлардаги маълумотлар таҳлил қилинган. Жисмоний фаолиятни такомиллаштириш усуллари акс эттирилган, шунингдек, беморларнинг жисмоний кўрсаткичларини аниқлаш усуллари ўрганилган. Ушбу бобда беморларнинг жисмоний фаоллигини рағбатлантириш ва уни амалга ошириш усуллари муҳокама қилинган.

Диссертациянинг **«Клиник материал ва тадқиқот усуллари**нинг **умумий хусусиятлари»** номли иккинчи бобида СБК билан текширувдан ўтган беморларга умумий тасниф берилган. Диссертация иши 2018 йилдан 2020 йилгача Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази (РИТ ва РИАТМ) клиникасининг базаси бўлган «Факультет ички касалликлари, касб касалликлари, госпитал ички касалликлар ва ички касалликлар пропедевтикаси» кафедрасида бажарилди. СБК нинг 2-3 босқичида бўлган 45 ёшдан 65 ёшгача бўлган 130 нафар беморлар тадқиқотнинг асоси бўлиб ҳисобланди. Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, беморларнинг ўртача ёши  $58,7 \pm 0,73$  ёшни, улардан аёллар 47,7% ни ташкил этди.

АҚШ Миллий буйрак фондининг таснифи бўйича (2002) СБК нинг 2-3 босқичида бўлган 45-65 ёшдаги бемор аёл ва эркаклар **киритиш мезонлари** бўлиб ҳисобланди.

Ягона буйрак, туғма юрак нуқсонлари, гемодинамик аҳамиятга эга бўлган буйрак артериялари стенози, юрак ритмининг бузилишлари, ўткир чап қоринча етишмовчилиги, ўткир коронар синдром ва онкологик касалликлар **истисно қилиш мезонлари** бўлиб хизмат қилди.

Беморлар жисмоний машғулотлар дастурида қатнашишига қараб асосий ва назорат гуруҳларига бўлинди. 1 гуруҳ – назорат гуруҳини жисмоний машқлар дастурини ўтмаган 30 нафар бемор; 2 гуруҳ – асосий гуруҳни

стандарт даво муолажаларига кўшимча 12 ҳафталик жисмоний машқлар дастурини ўтган 100 нафар бемор; Асосий гуруҳдаги беморлар дастлабки кардиореспиратор кўрсаткичларга кўра 2 та субгуруҳга ажратилди: 1 субгуруҳни – енгил интенсивликдаги жисмоний машқлар бажарган 67 нафар бемор; 2 субгуруҳ – ўртача интенсивликдаги жисмоний машқлар бажарган 33 нафар бемор ташкил қилдилар. Асосий гуруҳдаги беморлар 12 ҳафталик жисмоний машқлар дастурини ҳафтасига 3 марта ўтказдилар.

Барча беморларда қоннинг клиник ва биокимёвий таҳлили ўрганиб чиқилди. Коптокчалар филтрация тезлиги (КФТ) 2011 модификация қилинган СКD-EPI (2009) формуласи ёрдамида зардобдаги креатинин концентрацияси бўйича аниқланди (mobil дастур бўйича он-лайн калкулятор ишлатилган).

ЖССТ таснифи (2006) бўйича ортиқча тана вазнини аниқлаш билан тана вазни индекси (ТВИ) кўрсаткичларини ҳисобга олиб антропометрик маълумотларни баҳолаш олиб борилди: ТВИ 18,5 кг/м<sup>2</sup> дан паст бўлганида тана вазни етишмовчилиги, 25,0-29,9 кг/м<sup>2</sup> – ортиқча тана вазни; 30,0 кг/м<sup>2</sup> дан юқори бўлганида семизлик деб ҳисобланди.

Шунингдек беморларнинг ҳаёт сифатини аниқлаш учун (ҲС) SF-36 (Short Form-36-Item Health Survey) сўровномаси қўлланилди, унда беморларнинг жисмоний фаолияти, оғриқни хис қилиши, умумий саломатлиги, ижтимоий фаолияти ва руҳий саломатлигига таалуқли бўлган 36 та саволга жавоб бериш тавсия этилди.

СБК бўлган беморларда реактив тапшиш (20 савол) ва шахсий хавотирни (20 савол) аниқлаш учун 40 та саволдан иборат Спилберг-Ханин шкаласи қўлланилди.

Шунингдек СБК бўлган беморларда пархез, овқатланиш тарзига муносабати ва пархездан қониқишини аниқлаш учун DSQ-45 MDRD сўровномасидан фойдаланилди.

Юракнинг структуравий ва функционал ҳолатини баҳолаш учун стандарт эхокардиограмма чап қоринча зарб ҳажмини Simpson усули билан аниқлаш қўлланилган, шунингдек, диастоладаги интервентрикуляр тўсиқ (КТ) ва чап қоринча орқа деворининг (ЧҚОДК) қалинлиги ўлчанган, охирги диастолик ўлчам (ОДЎ), чап қоринчанинг охирги систолик ўлчами (ЧҚОСЎ) ва чап бўлмача (ЧБ) диаметри аниқланган. Систола (ОСЎ) ва диастола (ОДЎ) да чап қоринчанинг ҳажми Teichholz формуласи ёрдамида ҳисобланган. Қон отиш фраксияси (ҚОФ) аниқланган ва у 50% дан катта бўлганда сақланиб қолган деб қабул қилинган. Эндотелийга боғлиқ вазодилатация елка артерияси сиқилгандан кейин артериянинг диаметрининг ўзгариши билан аниқланди.

Жисмоний машқларга чидамлилиқни аниқлаш эргоспирометрия ёрдамида амалга оширилган. Максимал кислород сарфи ( $VO_2$  peak), чиқарилаётган карбонат ангидрид ҳажми, ўпка вентиляцияси минутлик ҳажми, АЧ – анаэроб чегара, нафас олиш коэффициенти, шунингдек ўпканинг ҳаётий сиғими, унинг жадаллашган ҳаётий сиғими ва нафас чиқаришнинг авжий ҳажми- аниқланган. Тиффно индекси нафас чиқаришнинг авжий ҳажми НЧАХ1/ ўпканинг жадаллашган ҳаётий сиғими ЎЖҲС нисбатидан ҳисобланган.

Барча беморлар 12 ҳафталик жисмоний машқлар дастурини ҳафтасига 3 марта ўтказган. Дастлабки кардиореспиратор кўрсаткичларига қараб, беморлар 2 гуруҳга бўлинди: биринчи гуруҳ 12 ҳафталик жисмоний машқлар дастури давомида енгил интенсивликда, иккинчи гуруҳ эса ўртача интенсивликда машқ қилди. Улар машғулотларда қатнашишига қараб асосий ва назорат гуруҳларига бўлиндилар. Жисмоний тайёргарликнинг тўлиқ курсини тугатмаган беморлар назорат гуруҳини ташкил этди.

Статистик маълумотларни қайта ишлаш. Олинган маълумотлар Microsoft Excel 2019 ва STATISTICA\_23 компьютер дастурлари ёрдамида қайта ишланди. Миқдорий кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончилиги боғлиқлиги кам диапазонлар учун Вилкоxon усули билан аниқланди, сифат қийматлари аниқ бўлганда Фишер-Ирвин мезони қўлланилди. Статистик аҳамият  $p < 0,05$  қийматида берилди ва корреляцион таҳлил Спирман бўйича амалга оширилди.

Диссертациянинг «СБК мавжуд диализгача босқичдаги беморларда жисмоний фаолиятнинг касаллик клиник кечиши, ҳаёт сифатига таъсирини ўрганиш» номли учинчи бобида СБК бўлган 2- 3 босқич беморларнинг клиник маълумотлари таҳлил қилинади. Танланган беморлар ёш бўйича таснифланган: 40-49 ёшдаги беморлар 38%ни , 50-59 ёшдаги 39% ва 60-65 ёшдаги беморлар 23%ни ташкил қилдилар (1-жадвал).

1-жадвал

Сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларнинг ёш гуруҳлари (n=130).

Бемор гуруҳлари	(%)
40-49 ёш	38%
50-59 ёш	39 %
60-65 ёш	23%

СБК аниқланган беморларнинг шикоятлари носпецифик эди: уларнинг мутлақ кўпчилигида заифлик, бош оғриғи, уйқу бузилиши, оғиз қуриши, кўнгил айниши, чарчоқ қайд этилди. Ликерт шкаласи бўйича заифлик индексининг ўртача қиймати  $3,6 \pm 0,06$  баллни ташкил этди. 46% беморларда қичишиш кузатилди. Кундузги уйқучанлик СБК бўлган беморларнинг 25% да қайд этилган. 2-жадвалда СБК бўлган диализгача босқичдаги беморларнинг дастлабки хусусиятлари ва клиник ҳолатлари келтирилган.

Шундай қилиб, СБК билан тадқиқотда иштирок этган беморларнинг 52,3 % эркаклар ва 47,7% аёллар ташкил этди. Мочевинанинг ўртача концентрацияси  $18,4 \pm 0,25$  ммол/л албуминнинг ўртача кўрсаткичи  $4,2 \pm 0,06$  г/л га тенг. Ўртача систолик босим  $147,27 \pm 2,19$  га, ўртача диастолик босим эса  $89,9 \pm 1,42$  мм.сим.уст. га тенг бўлди. Зардобдаги креатининнинг ўртача концентрацияси  $118 \pm 1,62$  ммол/л га тенг бўлиб, протеинурия даражаси бир кеча кундузда  $0,66 \pm 0,009$  г ташкил этди (2-жадвал).

**СБК бўлган диализгача босқичидаги беморларнинг дастлабки хусусиятлари  
ва клиник ҳолатлари**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Беморлар (n=130)</b>
Ёш	58,7±0,73
Жинс, аёллар/эркаклар %	47,7/52,3
Мочевина, ммоль/л	18,4±0,25
Зардобдаги альбумин, г/л	4,2±0,06
Касаллик давомийлиги, йил	8,8±1,5
Систолик артериал босим, мм.сим.уст	147,27±2,19
Диастолик артериал босим, мм.сим.уст	89,9±1,42
Зардобдаги креатинин, мкмоль/л	118±1,62
Протеинурия, г/кун	0,62±0,009
Заифлик, балларда	3,6±0,06
Артериал гипертензия, %	81%
Қандли диабет 2- тип, %	27%
ААФИ, АРА, %	58%
Кальций антагонистлари, %	52,7%
Бета адреноблокаторлар, %	23%
Диуретиклар, %	36%
Қичиш, %	46%
Кундузги уйқучанлик, %	25%

Беморларда коморбидлик кўринишида тарқалган ҳолатлар бир вақтнинг ўзида бир нечта касалликлардан иборат бўлди. Артериал гипертензия 81%, қандли диабет 2-типи 27% беморларда кузатилди. Ангиотензин рецепторлари антагонистлари ёки ангиотензин рецепторлари ингибиторлари беморларнинг 58,0% томонидан қабул қилинганлиги аниқланди. Кальций антагонистлари ўртача 52,4% беморларга буюрилган. Бета блокаторлар беморларнинг 18,0% га тавсия этилган. Диуретиклар 36,3% ҳолларда ишлатилган.

КФТ нинг ўртача қиймати умумлаштириб олинганда 1,73м<sup>2</sup> тана сатҳига 69,1±9,4 мл/дақиқани ташкил қилди. Беморларнинг 41,5% да КФТ 1,73м<sup>2</sup> тана сатҳига 89-60 мл/дақиқани, 37,7 % ида 59-45 мл/дақиқани, 20,8% ида КФТ 1,73м<sup>2</sup> тана сатҳига 44-30 мл/дақиқани ташкил қилди (3-жадвал).

**СБК даражасига кўра беморлар гуруҳлари (n=130)**

<b>КФТ (мл/дақиқа/1,73 м<sup>2</sup>)</b>	<b>n (%)</b>
СБК 2 даража (КФТ 60–99)	41,5%
СБК 3а даража (КФТ 45–60)	37,7%
СБК 3б даража (КФТ 30-45)	20,8%

Беморларнинг 13% ида ўртача албумин креатинин нисбати кўтарилгани (АКН) <30 (мг/г) аниқланиб, 46% беморларда бу кўрсаткич 30-300 (мг/г) оралиғида ва 41% беморларда сийдик АКН >300 (мг/г)дан юқори эканлиги


аниқланди. Бу ҳолат СБК бор беморларнинг кўпчилигида умумий эндотелиал кувватсизлик мавжудлигининг билвосита белгиси саналади (4-жадвал).

4-жадвал

**СБК бор беморларда албуминурия кўрсаткичлари (n=130)**

Сийдикдаги АКН (мг/г)	n=130
Сийдикдаги АКН <30 (мг/г)	13%
Сийдикдаги АКН 30-300 (мг/г)	46%
Сийдикдаги АКН >300 (мг/г)	41%

Маълумки, психоэмоционал ўзгаришлар сурункали буйрак касаллигининг клиник кечишини ва прогнозини ёмонлаштиради ва бу беморларнинг ушбу тоифаси учун реабилитация дастурларини ишлаб чиқишда ва ўтказишда ҳисобга олиниши керак. Биз реактив ва шахсий ташвиш даражаси билан СБК диализгача босқичларида бўлган беморларнинг психоэмоционал ҳолатини ўргандик. С3б гуруҳидаги 66% беморда ўртача шахсий хавотир қайд этилган бўлса, 33,3% беморда – юқори хавотир қайд этилган. СБК С3а гуруҳида шахсий хавотирланиш ўртача даражаси – 65% ҳолатда, шахсий хавотирланиш паст даражаси эса - 35% ҳолатда кузатилди. СБК С3а гуруҳидаги беморларда юқори даражадаги шахсий хавотирланиш қайд этилмади. СБК С2 гуруҳида 80% беморда ўрта даражадаги, 20% ида юқори шахсий ташвиш аниқланди (1-расм).




**1-расм. Шахсий хавотир даражаси диагностикаси натижалари.**

Шундай қилиб, СБК С3б гуруҳидаги беморларда юқори даражадаги реактив ташвиш ва ўртача даражадаги шахсий ташвиш, СБК С3а билан оғриган беморларда эса ўртача ташвиш устунлик қилди.

SF-36 сўровномаси бўйича ҳаёт кўрсаткичларининг сифатини ўрганишда СБК С2 ва С3а билан оғриган беморларни таққосланганда уларда камайган умумий жисмоний (40 ва 35,  $p < 0,05$ ) ва руҳий (50 ва 43,  $p < 0,001$ ) таркибий қисмлар аниқланди. Энг паст кўрсаткичлар СБК С3б босқичидаги беморлар гуруҳида қайд этилди. СБК С2 бўлган беморларда ҳаёт сифатининг аниқ юқори қийматлари аниқланди. Бу кўрсаткичларга буйрак дисфункциясининг бошланиши эмас, балки метаболик синдром таркибий қисмлари, гемодинамик ўзгаришлар ва бошқа хавф омилларининг мавжудлиги таъсир кўрсатган. СБК С3б босқичи аниқланган беморларда SF-36 сўровномасининг барча

шкалаларида СБК 2 босқичи ва 3а босқичларига нисбатан ҳаёт кўрсаткичлари сифатининг сезиларли даражада пасайиши кузатилди.

СБК С2 гуруҳидаги беморлар жисмоний фаолият миқёсида жуда юқори ҳаёт сифати кўрсаткичларига эга эдилар (тахминан 54,8). Ҳаёт сифатининг пасайиши асосан буйрак дисфункциясининг ривожланиши билан боғлиқ. Беморларда айниқса, жисмоний фаолият, ўз-ўзига хизмат қилиш ва бошқалар чекланади.



Изоҳ: СБК С2 гуруҳидаги кўрсаткичларнинг статистик қиймати – \*P<0,05, \*\*\*P<0,001  
**2-расм. Ҳаёт сифатини SF-36 бўйича сўронома кўрсаткичлари**

Шундай қилиб, СБК С36 босқичи билан оғриган беморлар жисмоний ва ҳиссий саломатликнинг ёмонлашуви туфайли жисмоний фаолиятни амалга оширишда ва одамлар билан мулоқот қилишда қийинчиликларга дуч келишди. Буйрак дисфункцияси даражасининг ошиши билан ҳаёт сифатининг пасайишини тасдиқловчи омиллар ўртасида корреляцион боғлиқликлар аниқланди. Барча SF -36 кўрсаткичларининг буйрак дисфункцияси даражаси билан юқори корреляцияси тасдиқланди. СБК мавжуд беморларда касаллик оғирлик даражаси билан SF -36 кўрсаткичлари паст қийматлари билан бевосита корреляцияси учун ушбу сўрономадан сурункали буйрак касаллиги ҳаёт сифатини баҳолашда оддий усул сифатида фойдаланиш имконини беради.

Белгиланган парҳездан умумий қониқишни ўрганишда беморларнинг 4,2% юқори кўрсаткичга, 31,5% и эса паст кўрсаткичга эга бўлди, қолганлари рациондан қониқишнинг ўртача кўрсаткичларини кўрсатди (5-жадвал). СБК 2 босқичидаги беморларнинг 6,5% паст кўрсаткични ва уларнинг фақат 26% юқори кўрсаткичларни, қолган 67,5% ўртача кўрсаткичларни танлади.

Беморларнинг 3а босқичидаги гуруҳда 3.9% ида паст кўрсаткич, беморларнинг 7,8% юқори кўрсаткичларга эга бўлди. СБК 3б босқичи билан касалланган гуруҳда 6,8% паст кўрсаткичларни, 93,2% пархездан қониқишнинг ўртача натижасини кўрсатди. Бу гуруҳда юқори кўрсаткичлар аниқланмади.

5-жадвал

**СБК мавжуд беморларда пархездан қониқишни баҳолаш  
(DSQ-45 MDRD сўровномаси асосида)**

Белгилар	Беморлар n=130	СБК С2 N=54	СБК С3а N=49	СБК С3б N=27
Соғлом ҳаёт тарзи, баллар	5,2±0,1	5,3±0,2	5,2±0,2	5,1±0,2
Қулайлик, баллар	4,9±0,1	5,2±0,2	4,6±0,1**	4,7±0,2
Қиймати, баллар	2,7±0,1	2,9±0,2	2,6±0,1*	2,6±0,1*
Оила аълари ёрдами, баллар	4,7±0,1	4,6±0,1	4,9±0,2	4,7±0,3
Очлик ҳисси, баллар	4,8±0,1	4,8±0,2	4,7±0,2	4,9±0,2
Салбий аспектлар, баллар	5,7±0,1	5,8±0,2	5,6±0,2	5,9±0,3
Режалаштириш ва тайёрлаш, баллар	4,8±0,1	4,6±0,1	4,9±0,2	4,8±0,2

Изоҳ: СБК С2 беморлари турли кўрсаткичи ишончилиги\* p<0,05; \*\*p<0,001

Ортиқча тана вазни ёки оксил-энергия танқислиги ривожланиши билан унинг етишмаслиги муаммоси беморларда СБК тизимли намоён бўлишининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. ТВИ ва СБК оғирлиги ўртасидаги ўртача тесқари боғлиқлик аниқланди (p = -0,384, p=0,05). СБК 3а ва СБК 3б босқичи мавжуд беморларда СБК 2 босқичи бўлган беморлар гуруҳларига нисбатан ортиқча тана вазни ва семизлик қайд этилди. Буйрак дисфункциясининг ривожланиши озикланиш ҳолатининг ўзгаришига олиб келиб, дастлабки босқичларда семизлик ва ривожланган босқичларда унинг тана вазни етишмовчилигига олиб келиши аниқланди. Шундай қилиб, СБК 2 босқичи мавжуд беморлар орасида ТВИ 25 дан кам бўлган шахслар сони 14,8%, СБК С3а - 34,7%, ва СБК С3б босқичи билан беморлар орасида – 33,3%ни ташкил қилди (6-жадвал).


6-жадвал

**СБК оғирлик даражасига кўра ТВИ кўрсаткичлари(n=130).**

Кўрсаткичлар	СБК С2 n=54	СБК С3а n= 49	СБК С3б n= 27
<18,5 (абс/%)	0/0%	2/4,1%	9/33,3%
18,5 - 24,9 абс/%)	8/14,8%	17/34,7%	9/33,3%
25,0 – 29,9 (абс/%)	25/46,3%	15/30,6%	7/25,9%
>30,0 (абс/%)	21/38,9%	15/30,6%	2/7,4%

Жисмоний фаолликни танлашда индивидуал ёндашиш мақсадида беморларда 6 дақиқалик юриш синамаси ўтказилди. Бунда жисмоний машқларга чидамлик буйрак функциясининг бузилиш даражасига боғлиқлиги аниқланди (3 расм). СБК билан оғирган беморларда буйрак дисфункцияси даражасининг ошиши билан жисмоний машқларга чидамлик 1,5 баравар паст бўлди (328,57±9,61 дан 209±3,46 м гача, p <0,01)






3-расм. 6-дақиқалик юриш синамаси натижалари

Шундай қилиб, СБК нинг диализгача бўлган босқичлардаги беморларда 6 дақиқали юриш кўрсаткичи индексларининг пастлиги беморларни иш қобилияти ва жисмоний активлигини пастлигини кўрсатади, бу эса жисмоний фаолликнинг интенсивлигини танлашда эҳтиёткорликни талаб қилади ва жисмоний реабилитацияни мураккаблаштиради.

Диссертациянинг «СБК диализгача босқичида бўлган беморларни дастлабки ва жисмоний реабилитация даврида ўлчанган асосий гемодинамик ва респиратор параметрлари динамикаси» номли тўртинчи бобида жисмоний фаолият динамикасидаги кўрсаткичлар таҳлил қилинган.


Текширилаётган беморларда дастлабки систолик ва диастолик қон босими кўрсаткичларини тинч ҳолатда ва жисмоний зўриқишда ўрганишда - ўртача артериал гипертензия аниқланди. Жисмоний реабилитация жараёнида машқларга жавобан гипертензив реакция тасдиқланди. Беморларнинг асосий гуруҳида 12 ҳафталик жисмоний машқлардан сўнг, қон босими даражаси дастлабки натижаларга нисбатан сезиларли даражада камайди ( $p < 0,001$ ), назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич деярли ўзгармади (4-расм).



Изоҳ: С – систолик. Дастлабки кўрсаткичлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги \*\*\*  $p < 0,001$ .

4-расм. Сурункали буйрак касаллиги мавжуд беморларда систолик қон босими кўрсаткичларини дастлаб ва 12 ҳафталик жисмоний машқ дастуридан кейинги кўрсаткичлари


Беморлардаги диастолик қон босимининг ўсиш даражаси гуруҳлар ўртасида таққосланган кўрсаткичлари 5-расмда келтирилган.



Изоҳ: Д- диастолик. Дастлабки кўрсаткичлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги  
 \*\*\*  $p < 0,001$ , \*  $p < 0,05$ .

**5-расм. Сурункали буйрак касаллиги мавжуд беморларда диастолик қон босими кўрсаткичларини дастлаб ва 12 ҳафталик жисмоний машқ дастуридан кейинги кўрсаткичлари**

Юрак уриш сонининг 12 ҳафталик жисмоний машқлар давомида ўсиш даражаси дастлабки кўрсаткичларга нисбатан сезиларли ўзгармади (6-расм).



Изоҳ: Дастлабки кўрсаткичлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги \*\*\*  $p < 0,001$   
**6-расм. Сурункали буйрак касаллиги мавжуд беморларда юрак уришлар сонини дастлаб ва 12 ҳафталик жисмоний машқлар дастуридан сўнгги кўрсаткичлари**

Юрак қисқаришлари сонини меъёрлаштириш нуқтаи назаридан изчил ижобий динамика қайд этилди. Юрак уришининг пасайиши нафақат дам олиш, балки жисмоний машқлар давомида ҳам кузатилди. Ҳар бир юклама босқичининг охиридаги юрак уриш тезлиги қийматлари-25, 50, 75 ваттда аниқланиб, гарчи улар назорат гуруҳининг тегишли кўрсаткичларидан юқори бўлса-да, лекин ўсиш даражаси билан фарқ қилмади. Шундай қилиб, асосий

гуруҳ беморларда дам олиш ва велоэргометрия пайтида амалга оширилган ўлчовларнинг барча оралиғида дастлабки юрак уриш тезлиги назорат гуруҳининг тегишли қийматларидан юқори бўлди ( $p < 0,001$ ).

СБК диализгача босқичидаги беморлар чап қоринча таркибий ва функционал кўрсаткичлари динамикасини эхокардиограмма ёрдамида ўрганиш давомида асосий гуруҳда қоринчалараро тўсиқ параметрлари, гипертрофия индекси фарқлари, бўлмача ва қоринча нисбати ортиши каби чап бўлмача қувватсизлигини кўрсатувчи белгилар орқали диастолик дисфункция аниқланди (7-жадвал). 12-ҳафта жисмоний машқлар дастурига киритилган СБК беморларда асосий кўрсаткичлар хусусан, диастолада қоринчалараро тўсиқ ва чап қоринча ҳажмини камайиши кабиларда сезиларли статистик фарқ аниқланди ( $p < 0,001$ ).

7-жадвал

Сурункали буйрак касаллиги мавжуд беморларда 12 ҳафталик жисмоний машқлардан олдинги ва кейинги эхокардиография кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳнинг дастлабки кўрсаткичлари n=100	Асосий гуруҳнинг 12 ҳафтадан кейинги кўрсаткичлари n=100	Назорат гуруҳининг дастлабки кўрсаткичлари n=30	Назорат гуруҳининг 12 ҳафтадан кейинги кўрсаткичлари n=30
Диастолада ЧҚ ҳажми, мм	44,5±0,6	44,9±0,7***	44,8±1,4	44,9±1,5***
Систолада ЧҚ ҳажми, мм	28,9±0,4	29,2±0,4***	26,7±0,6	26,6±0,7***
ҚАТ, мм	12,2±0,2	11,8±0,2***	12,5±0,3	12,3±0,3***
PW, mm	11,9±0,2	11,2±0,2***	12,5±0,4	12,3±0,3***
ЧБ ҳажми	46,4±0,6	47,2±0,6***	37,8±0,9	37,9±1,0***
ЧҚ миокард массаси, г	221,0±3,4	208,0±3,0***	234,0±6,5	230,0±5,4***
ЧҚММИ, г/м <sup>2</sup>	62,3±1,0	58,7±0,8***	65,7±2,0	64,5±1,9***

Изоҳ: ҚАТ – қоринчалараро тўсиқ; ЧБ – чап бўлмача; ЧҚ - чап қоринча, ЧҚММИ - чап қоринча миокард массаси индекси. Дастлабки кўрсаткичлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги \* \* \*  $p < 0,001$ .

